

УЎТ: 657.4:333.14

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ҚОРХОНАЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ****Эргашева Насиба Рахматуллаевна** - стажёр ўқитувчи.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти. Қарши ш. Ўзбекистон.

**Аннотация.** Мақолада "ҳисоб сиёсати" тушунчасининг мазмуни очиб берилган ва қишлоқ хўжалиги қорхоналарида ҳисоб сиёсатини олиб бориш ва унинг ташкилий-услубий таъминотини амалга ошириш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархини тўғри ҳисоблаш йўллари кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** ҳисоб сиёсати, бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ хўжалиги, бухгалтерия халқаро стандартлари, услубий таъминот, техник таъминот, маҳсулот, таннарх.

**Abstract.** The article reveals the meaning of the concept of "accounting policy" and ways to correctly calculate the cost of agricultural products based on the implementation of accounting policy and its organizational and methodological support in agricultural enterprises.

**Key words.** accounting policy, accounting, agriculture, international accounting standards, methodological support, technical support, product, cost.

**Қириш.** Маълумки, аграр соҳада ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ҳамиша Ўзбекистон республикаси Президенти ва ҳукуматининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Аграр соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларда ҳам ҳисоб- китоб ишларини тўғри ташкил этиш, хусусан хўжалик бошқаруви учун муҳим амалий дастак ҳисобланадиган- ҳисоб сиёсатини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик қорхоналарида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг услубий, ташкилий-техник ва солиққа оид жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги монографик тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқот услуби.** Қишлоқ хўжалиги қорхоналарида ҳисоб сиёсатининг ташкилий-услубий таъминотининг ўзига хос бўлган асосий хусусиятларини асослаб бериш, ҳисоб сиёсатининг услубий таъминотини яхшилашга қаратилган масалалар билан изоҳланади. Тадқиқот давомида монографик кузатув, тизимли ёндашув, анализ ва синтез усулларидан фойдаланилган.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Мақолада "Бухгалтерия ҳисоби сиёсати" га бағишланган У.П.Козлова [1], Н.П.Кондратов [2], А.А.Каримов, Ф.Р.Исломов [3], А.Ибрагимов, И.Очилов, И.Қўзиев, Н.Ризаев [4], Умаров, У.Элбоев, К.Ахмаджанов [5] каби олимларнинг илмий ишларидан фойданилди.

**Тадқиқот натижалари ва таҳлили.** Ҳисоб сиёсати тушунчаси Ўзбекистон республикасида амал қилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, олимларнинг илмий ва ўқув-услубий адабиётларида ҳам умумий негизга асосланган ҳолда турлича таърифланган. Ҳисоб юритиш сиёсати хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни белгиланган тартиб-қоидаларга мос тарзда юритиш ва тузиш учун қўлланиладиган усуллар мажмуи ҳисобланади. Бизнингча, унинг "муқобил усуллар кўзда тутилмаган ёки мутлақо мавжуд бўлмаган ҳолларда эса, профессионал мулоҳазага асосланган ҳолда қонунчиликка зид бўлмаган усулларни ишлаб чиқиш" тўғрисидаги фикри мунозарали ва амалиётдан йироқ. Чунки биринчидан, республикада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги зиммасига юклатилади, яъни услубий раҳбарлик давлат бошқарув органи томонидан амалга оширилади.

Иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш усуллари раҳбар ёки бош ҳисобчи томонидан ишлаб чиқилиши ҳозирги шароитда ҳақиқатдан йироқ. Фикримизча, бундай кўшимча усуллар халқ хўжалигининг тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тармоқ вазирлик ва идораларининг мутасадди бўлимлари томонидан ишлаб чиқилиши мумкин.

№1-«Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли Ўзбекистон республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) га мувофиқ эса **ҳисоб сиёсати** хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш ҳамда тузиш учун фойдаланиладиган махсус тамойиллар, қоидалар ва амалий ёндашувлар тўплами эканлиги баён қилинган. Хусусан, мазкур стандартга мувофиқ: хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати субъект томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузишда қўлланиладиган ўзига хос тамойиллар, конвенциялар, қоида ва амалий ёндашувларни ифодалайди.

Кўриниб турибдики, ҳар икки таъриф ҳам том маънода бир-бири билан мутаносиб тушади. Ушбу таърифлардан келиб чиқиб ҳисоб сиёсатини корxonанинг бутун ҳисоб жараёнини ифодаловчи кенг маънодаги сўз сифатида тушуниш керакми ёки ҳисоб сиёсати бу “четга чиқиш” сиёсатими деган ҳақли савол туғилади.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича низомлар охирида бухгалтерия ҳисоботларининг очиб берилишига тегишли бўлган ҳисоб сиёсати тўғрисида ахборотлар рўйхати келтирилган. Корхона ҳисоб сиёсати тўғрисидаги ахборот таркибига, бухгалтерлик ҳисоботини ёритишда энг камида қуйидагилар киритилади:

- ТМЗ (товар моддий захира)ларни турлари бўйича баҳолаш усуллари;
- ТМЗларни баҳолаш усуллари бўйича ҳисоб сиёсатида ўзгартиришларнинг аҳамияти;
- гаровга қўйилган ТМЗ қиймати;
- ТМЗларнинг ҳақиқий таннархи ва бозор қиймати ўртасидаги фарқ;
- кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар қийматини олиб ўтиш усуллари.

Кўриниб турганидек, юқоридаги кўрсаткичлар вариантлар бўлиб ҳисобланмайди, демак бухгалтерлик ҳисоботида ҳисоб сиёсати таркибида уларни ёритишнинг турли мақсадлилиги мунозарали бўлиб қолади.

Шу билан бир вақтда, таъкидлаш жоизки, келтирилган ахборотларнинг очиб берилиши борасидаги фармойишларнинг янги таҳрири деярли ўзгармаган.

Бухгалтерлик ҳисоботида моддий қийматликлар ҳисобини очиб беришда қуйидаги ахборотлар тақдим этилади:

- ТМЗ (товар моддий захиралари)ларини турлари бўйича баҳолаш усуллари ҳақида;
- ТМЗ ларни баҳолаш усулидаги ўзгаришлар таъсири ҳақида;
- гаровга берилган ТМЗ лар қиймати тўғрисида;
- моддий қийматликлар баҳосини камайтириш натижасида захиралар ҳажми ва ҳаракати тўғрисида».

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуннинг «Асосий воситалар ҳисоби» таркибан ўзгартирилган. Корхона ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқлар таҳлили шуни кўрсатадики, улар кўпинча меъерий ҳужжатлар кўрсатмалари асосида тузилган. Бу кўрсатмалар ҳеч қандай вариантларни кўзда тутмаган бўлиб, умуммаълум ва барча корxonалар учун мажбурий бўлган меъерлардан иборат.

Масалан, ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқларда бухгалтерия ҳисоби икки ёқлама ёзув асосида юритилиши, юк жўнатилгандан сўнг даромаднинг акс этирилиши, асосий воситаларга эскириш улар ишга тушган ойдан кейинги ойднинг биринчи санасидан ҳисобланиши тўғрисида фармойишлар мавжуд.

Баён этилганларни ҳисобга олиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин, бухгалтерия ҳисоби меъерий ҳужжатларида бугунги кунда ҳисоб сиёсатининг аниқ тавсифи бухгалтерия тизими билан умумий боғлиқлик жиҳатлари берилмаган, шунингдек, корхона миқёсида бухгалтерия ҳисобини меъерий тартибга солиш юзасидан аниқ ўрин ва аҳамияти

белгиланмаган, бу эса 1/98-сонли “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун” ни услубий пухта ишланган қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳисоб жараёнини тўлиқ марказлаштирилмаликка нисбатан кам қўлланилади. У шундан иборатки, хўжаликнинг ҳар бир бўлинмасида ҳисоб ишларининг тўлиқ даври: дастлабки ҳужжатларни тўлдиришдан бошлаб барча ҳисоб регистрларини расмийлаштириш ва баланс тузишгача бўлган ишлар юритилади. Хўжаликнинг марказий бухгалтериясида бундай ҳолда фақат умумхўжалик бўйича йиғма ҳисоб юритилади.

Қисман марказлаштирилмаганлик энг кенг тарқалган ҳисобланади. Бундай ҳолда хўжалик бўлинмаларида хўжалик муомалаларини ҳужжат билан расмийлаштириш, шунингдек, ҳужжатларни ва ишлаб чиқариш ҳисоботларини тузишгача гуруҳлаштириш ва йиғиш ишлари юритилади. Бу ерда, одатда иш ҳақи (меҳнатга ҳақ тўлаш) ҳисоблаб ёзилади, ва тўлов қайдномалари тузилади. Бажарилган муомалаларни ҳисоби регистрларда акс эттириш бўлинмалардан бериладиган ишлаб чиқариш ҳисоботларини моддий ҳисоботлар ва бошқа йиғма ҳужжатлар асосида хўжаликнинг марказий бухгалтериясида амалга оширилади.

Ҳисоб жараёнининг бундай ташкилий тузилмаси фермер хўжаликлари учун характерли бўлган. Сўнгги йилларда у агрофирмаларда анча кўп қўлланила бошлади. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, ҳисобни компьютерлаштириш жорий этилиши билан, шунингдек ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бўлинма тузилмаси жорий этилиши билан ҳисоб жараёнини ташкил этишнинг марказлаштирилган тамойилига асосланган тури тобора кўп қўлланилмоқда.

Ҳисоб жараёнининг ҳисоб ишларини тўлиқ марказлаштиришга асосланган ташкилий тузилмасида марказий бухгалтерияда хизмат вазифаларини тақсимлаш шундай ташкил этиладики, бунда ходимлар айрим муомалалар: ҳужжатларни қабул қилиш, ҳужжатларни ишлаш, ҳужжатлар маълумотини, ҳисоб регистрларига ёзиш ва ҳоказолар бўйича ихтисослашадилар. Бунда ҳар бир ходим бир неча хил ўзаро боғлиқ счётлар бўйича айрим операцияларни бажариши мумкин. Масалан, ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ҳисоби бўйича битта ходим дастлабки ҳужжатларни қабул қилиши ва улар билан ишлаши мумкин, бошқаси - ундаги маълумотлар билан ишлаши ва ишлаб чиқариш ҳисоботларини тузиши мумкин, учинчиси - ҳисоб регистрларига ёзиб бориши ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни ҳисобга олиш қайдномаси ва дафтарлари ҳамда тегишли журнал-ордерларда акс эттира бориши мумкин. Бошқа вариантда эса ҳар бир ходимга баланс счёти бўйича ҳисоб ишларининг барча мажмуаси бириктириб қўйилади. Масалан, тегишли баланс счёти бўйича ишлаб чиқаришга қилинган харажатларни ҳисобга олиш бўйича битта ходим ҳужжатларни қабул қилади, улар билан ишлайди, деҳқончилик бўйича қилинган харажатларни ҳисобга олиш бўйича регистрларга тегишли ёзувларни ёзади, бошқа ходим чорвачилик бўйича ҳисоб ишлари комплексини, учинчиси саноат, ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқаришлар бўйича ҳисоб ишларини юритади.

Бизнингча бухгалтерия ҳисобини ташкил этишдан то юритиш ва ҳисобот тузиш ҳамда тақдим этишга қадар барча ишларни мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда техник таъминлаш - ҳисоб сиёсатининг техник таъминоти деб аталгани мақсадга мувофиқ.

Ҳисоб сиёсатининг техник таъминоти бухгалтерия ҳисобининг услубий ва ташкилий жиҳатларини замон талаблари даражасида амалга оширишга йўналтирилган тадбирлар тизимидир. Бундай тадбирлар тизимига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

➤ хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби намунавий счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома асосида ишчи счётлар режасини ишлаб чиқиш;

➤ дастлабки ҳужжатлар ва уларни расмийлаштириш қоидалари (бухгалтериянинг ҳар бир бўлими бўйича, масалан, иш ҳақи ҳисоби, материаллар ҳисоби ва ҳ.к);

➤ синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларининг корхона шароитига мос намунавий шакллари танлаш ва (ёки) ишлаб чиқиш;

- замонавий ЭҲМ, ахборот технологиялари, дастур таъминоти ва шу кабилар негизда бухгалтерия ҳисобини компьютерлаштириш;
- синтетик ва аналитик ҳисоб объектлари бўйича таснифлагич (кодификатор)лар тузиш;
- бизнесни бошқаришнинг замон талабларига жавоб берадиган малакали бухгалтерлар билан таъминлаш;
- ҳисоб жараёнларини оптималлаштиришга доир ташкилий-техник ва санитария-гигиена тадбирлари; ички назорат тизимини ташкил этиш;
- ҳисоб ходимлари жамоасида ишлаб чиқариш муносабатлари маданияти ва меҳнат тақсмотини ташкил этиш;
- ҳисобот тузиш ва тақдим этишни ташкил этиш .

Ҳисоб сиёсатининг техник таъминотини шакллантирадиган тадбирлар тизимидаги талабларнинг барчаси муҳим ҳисобланиб, санитария-гигиена масалалари ва малакали бухгалтерлар билан таъминлаш ва бухгалтерия аппарати ходимлари орасидаги муҳит соғломлиги биринчи омил ҳисобланади. Бу кўп жиҳатдан корхона раҳбариятининг малакали кадрларга муносабати ва ташкилотчилик лаёқатига боғлиқ. Шу боис, биз тадқиқот жараёнида масаланинг бундай жиҳатларига тўхталмасдан, тадбирлардан айримларининг ҳолати ва уларни такомиллаштиришга эътибор қаратдик. Бизнингча, ҳисоб сиёсатини шакллантиришда бухгалтерия ҳисобининг техник таъминотида ишчи счётлар режасини тузиш ва ҳисоб регистрларини уларга мос равишда танлаш муҳим ўрин тутди. Ғузар тумани «Баходур-ВАЛЛИ» фермер хўжалиги асосан ўсимликчилик тармоғида фаолият юритиб, пахтачилик ва буғдойчилик билан шуғулланади. №20 БҲМСда ходимларнинг ўртача йиллик сони 20 кишигача бўлиши керак бўлган талабга жавоб беради ва уни кичик тадбиркорлик субъекти сифатида қайд этиш мумкин. Унинг фаолиятига соддалаштирилган ҳисоб юритиш шаклини жорий қилиш мумкин.

**Хулоса.** Тадқиқотлар шуни тасдиқладики, бухгалтерия ҳисоби журнал-ордер шаклига замонавий компютер ахборот технологияларини тадбиқ қилишни тавсифловчи хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- бухгалтерларнинг компьютерлаштирилган иш жойларида (БКИЖ) марказлашган ишлов бериш имконияти;
- компютер технологиялари қўлланилгунга қадар (қўлда ишлаш шароитида) бухгалтерияда қарор топган технологияга мос келиши;
- бухгалтерия ҳисоби журнал-ордер шаклига хос хусусият–ҳисоб регистрлари орасидаги ўзаро алоқадорлик ва уларни назорат қилиш тизими ўртасидаги боғлиқликнинг сақланиб қолиши.

Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шаклини қўлайдиган фермер хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектлари учун “Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисидаги Низом” да тавсия этилган оддий шаклини қўллаш учун “Хўжалик операцияларини қайд этиш журнали” (2-сон илова), “Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш китоби” (3-сон илова), бухгалтерия баланси (1-шакл) ва бошқа ҳисобот шакллари компьютерлаштирилган шароитда БКИЖнинг асосини ташкил этади. Шу тарзда бухгалтерия ҳисобининг ташкилий тузилмасини ифодалаш мумкин.

## АДАБИЁТЛАР

1. Козлова Е.П., Бабченко Т.Н., Галанина Т.Н. Бухгалтерский учет в организациях. - М.: Финансы и статистика, 1999. с. 44.
2. Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет. –М.: Инфра-М, 1997. с. 513..
3. Karimov A.A., Islomov F.R., Avloqulov A.Z. Buxgalteriya hisobi. –Т.: Sharq, 2004. -74 b.
4. Ibragimov A, Ochilov I, Qo‘ziyev I, Rizayev N. Moliyaviy va boshqaruv hisobi. / O‘quv qo‘llanma.- Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008. 4 b.
5. Umarova M., Eshboyev U., Axmadjonov K. Buxgalteriya hisobi. -Т.: «O‘ZAJBNT», 2004. 352 b.